



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРДАН
КУЗАТУВЧИЛАР УЧУН
ЭСЛАТМА
ПАМЯТКА
ДЛЯ НАБЛЮДАТЕЛЕЙ
ОТ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПАРТИЙ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ**

**СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРДАН
КУЗАТУВЧИЛАР УЧУН
ЭСЛАТМА**

**ПАМЯТКА
ДЛЯ НАБЛЮДАТЕЛЕЙ
ОТ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПАРТИЙ**

**«Адолат»
миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент — 2021**

УЎК: 329.8(083.132)
КБК: 66.63(5Ўзб)
С 53

Сиёсий партиялардан кузатувчилар учун эслатма
Памятка для наблюдателей от политических партий. –
Т.: «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2021 й. – 24 б.

ISBN 978-9943-7295-1-3

УЎК: 329.8(083.132)
КБК: 66.63(5Ўзб)

Мазкур Эслатма сиёсий партиялардан кузатувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда сайловга оид умумий тушунчалар, уларнинг сайлов жараёнидаги иштироки, вазифалари, мажбуриятлари ва сайлов жараёнидаги ҳуқуқбузарликларнинг жавобгарлиги каби масалалар ўрин олган.

Эслатма сиёсий партиялардан кузатувчилар, сайлов ташкилотчилари ва кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

ISBN 978-9943-7295-1-3

© Ўзбекистон Республикаси Марказий
сайлов комиссияси

© «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот
маркази, 2021 й.

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИГА ОИД УМУМҲЙ ТУШУНЧАЛАР

2021 ҲИЛ 24 ОКТЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

Сайлов — фуқароларга жамият ва давлат ишларида бево-сита иштирок этиш имконини берувчи, давлат ҳокимиятининг сайлаш орқали шаклланувчи органларига тақдим этилган номзодлардан бирини овоз бериш йўли билан танлаб олишга қаратилган демократик жараён.

Сайлов жараёни иштирокчилари — сайловчи, оммавий ахборот воситалари вакиллари, маҳаллий ва хорижий (халқаро) кузатувчилар, сайлов комиссияси аъзолари (раис, раис ўрин-босари, котиб ва бошқа аъзолар), Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, ишончли вакиллар, сиёсий партия-лар ва уларнинг ваколатли вакиллари.

Сайловларнинг асосий принциплари умумий, тенг, тўғ-ридан-тўғри, яширин овоз бериш.

Сайловчи — сайлов куни 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Рес-публикаси фуқаролари жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар сайлаш ҳуқуқига эгадир. Сайлов-да иштирок этувчи ҳар бир фуқаро бир овозга эга бўлади. Сай-ловда сайловчилар ўзлари хоҳлаган номзодга, яъни эркин овоз берадилар. Сайловчиларнинг овоз бериши яширин тарзда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод — ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши билади-ган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида

муқим яшаётган, Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланиш учун сиёсий партия томонидан кўрсатилган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси.

Кузатувчи — сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнларида иштирок этиш ҳуқуқига эга, тегишли сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган ва бу ҳақда тегишли мандатга эга бўлган шахс.

Ишончли вакил — номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам берувчи, унинг сайланиши учун ташвиқот олиб боровчи, шунингдек давлат органлари ва жамоат бирлашмалари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатларини ифодаловчи шахс.

Муддатидан олдин овоз бериш — сайлов кунига 10 кун қолганида бошланади, 3 кун қолганида тугалланади.

САЙЛОВЛАРНИ КУЗАТИШ

Сайловларни кузатиш фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда сайловларнинг шаффоф ва ошкоралигини таъминлашга ёрдам беради.

Сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари Ўзбекистонда сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича барча тадбирларда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Кузатувнинг мақсади сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шу жумладан, сайлов куни овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнларида сайлов қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдан иборат.

Сиёсий партиянинг туман (шаҳар) ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ушбу сиёсий партиядан кўрсатилган номзод рўйхатга олинган кундан бошлаб сайловга камида ўн кун қолгунга қадар округ сайлов комиссиясига ўз кузатувчилари тўғрисида ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Аризага кузатувчиларнинг:

- рўйхати (исми, фамилияси, лавозими, яшаш манзили ва телефон рақами кўрсатилган ҳолда);
- шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхалари;
- 3x4 см. ўлчамдаги икки дона фотосурат илова қилинади.

Округ сайлов комиссияси аризани олгандан кейин беш кун ичида қарор қабул қилади ва кузатувчи учун мандат беради.

Сиёсий партия ташкилоти округ сайлов комиссиясидан мандатларни олгандан сўнг уларни кузатувчиларга етказилишини таъминлайди.

Кузатувчилар ўз фаолиятини тегишли сайлов комиссиялари томонидан берилган мандатлар асосида амалга оширади. Сайлов комиссиялари кузатувчини мандати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатига асосан рўйхатга олгандан кейин унга ўз ваколатларини тўлақонли ҳамда тўсқинликсиз амалга ошириши учун шароит яратиб беради.

Кузатувчининг ваколат муддати унга мандат берилган кундан бошланади ва сайлов якунлари расман эълон қилинган кунга тугайди.

Такрорий овоз бериш ёки такрорий сайлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, кузатувчилар мандатининг амал қилиши тегишли муддатга узайтирилади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишда коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишини олдини олиш мақсадида сайлов жараёни иштирокчиларига қуйидагилар тавсия этилади:

-  химоя ниқобларидан фойдаланиш;
-  қўл бериб саломлашиш ёки тўғридан-тўғри мулоқотга киришишнинг бошқа шаклларида сақланиш;
-  ижтимоий масофага риоя қилиш.

ЁДДА ТУТИНГ!

Сайловда санитария қоидаларига риоя этишингиз саломатлигингизни сақлашда муҳим ҳисобланади.

КУЗАТУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА:

-  сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш, номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этиш;
-  сайлов участкасида ҳозир бўлиш, тайёргарлик ишларининг боришини, яширин овоз бериш кабиналарининг жойлаштирилишини ва сайлов қутиларининг муҳрланишини, сайловчиларнинг рўйхатга олинишини, уларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;
-  сайлов куни овоз бериш жараёнини кузатиш;
-  муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор бўлиш ҳамда ушбу жараённи кузатиш;
-  сайловчининг турган жойида унинг рухсати билан овоз бериш жараёнини кузатиш;
-  овозлар санаб чиқиляётганда ва сайлов комиссиясининг баённомаси тузиляётганда ҳозир бўлиш;

- ✓ сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаларини сўраш ва олиш;
- ✓ сайлов жараёни ва овоз беришнинг яширинлигини бузмасдан фото, видео, аудио ёзувларни амалга ошириш (қамокда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойлари, ҳарбий қисмлар, даволаш муассасалари бундан мустасно);
- ✓ кузатув натижалари тўғрисида оммавий ахборот воситалари вакилларига мурожаат қилиш;
- ✓ округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссияларидан овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаларни қабул қилиб олиш ҳамда округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш жараёнида ҳозир бўлиш;
- ✓ ҳарбий қисмларда, қамокда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларига бориши ҳақида камида уч кун олдин тегишли участка сайлов комиссиясини белгиланган тартибда хабардор қилиш;
- ✓ агар сайлов участкасида сайлов қонунчилиги талаблари бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида ушбу участка сайлов комиссияси аъзоларига уларнинг ишига аралашмаган ҳолда маълум қилиш, шунингдек юқори турувчи сайлов комиссияларига хабар бериш;
- ✓ сайлов тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳақида, шунингдек сайловга тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказилиши бўйича ўз фикрини баён қилиш.

Кузатувчи сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан қонунчиликда белгиланган тартибда судга шикоят қилиши ҳамда шикоятни кўриб чиқишда бевосита иштирок этиши мумкин.

КУЗАТУВЧИЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:



ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-га, Сайлов кодексига, Марказий сайлов комиссиясининг қарорларига амал қилиши;



барча даражадаги сайлов комиссияларига, давлат ҳоки-мияти ва бошқарув органлари ва бошқа ташкилотлар-га ташриф буюрганида унга берилган мандатни ҳамда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни ёнида олиб юриши ҳамда сайлов комиссияси аъзолари талабига мувофиқ уларни кўрсатиши;



ўз хулосаларини шахсан ўтказилган кузатув ва ҳақиқий материаллар билан асослаши шарт.

КУЗАТУВЧИЛАРГА ҚҰЙДАГИЛАР МАН ҚИЛИНАДИ:



сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;



сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиётини тарқатиш;



сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликлари-ни суриштириш ёки сайловчиларга бюллетенга белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;



участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумла-дан, сайлов қутилари муҳрланаётган, очилаётган, овоз-лар санаб чиқиляётганда аралашиш;



сайлов кунини ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов на-тижалари прогнозларини, ўтказиляётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш.

КУЗАТУВЧИЛАР САЙЛОВ УЧАСТКАСИДА ҚҲЙИДАГИЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРИШИ ШАРТ:

-  комиссия таркиби билан танишиши ва сайлов участкаси-
да комиссия аъзолари билан яхши муносабатларни йўлга
қўйиши;
-  бошқа кузатувчиларга иттифоқчилар сифатида қараши;
-  ўз ҳуқуқларини миллий сайлов қонунчилигига асосан
амалга ошириши;
-  сайлов жараёни иштирокчиларига нисбатан хушмуомала
ва муносиб ҳулқ-атворда бўлиши.

УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯСИ БИНОСИНИНГ ЖИҲОЗЛАНИШИДА АҲАМИЯТ БЕРИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ЖИҲАТЛАР:

-  УСК биносида сайлов участкасининг тартиб рақами
кўрсатилган пешлавҳа;
-  ёзув анжомлари билан таъминланган ва ёруғ яширин
овоз бериш кабиналари;
-  жисмоний имконияти чекланган шахслар учун мўл-
жалланган яширин овоз бериш кабинаси;
-  стационар ва кўчма сайлов қутилари, пластмассали плом-
балар;
-  СЖБАТ талабларига жавоб берувчи компьютер ва уларга
керакли бўлган мосламалар;
-  кузатувчилар учун алоҳида жойларнинг бўлиши.

СТЕНДЛАРДА ЖОЙЛАШТИРИЛГАН МАТЕРИАЛЛАР ТАРКИБИДА ҚУЙИДАГИЛАР МАВЖУД БЎЛИШИ ЛОЗИМ:

- ✓ участка сайлов комиссияси аъзоларининг таркиби, иш режаси, навбатчилик жадвали ҳақидаги ахборот;
- ✓ рўйхатга олинган номзодларнинг Марказий сайлов комиссияси томонидан нашр қилинган таржимаи ҳоли ва дастури;
- ✓ сайловчилар мурожаати учун Марказий сайлов комиссияси ишонч телефони ва электрон манзили, суд ва прокуратура органларининг телефон рақамлари акс эттирилган маълумотлар;
- ✓ овоз бериш тартиби, сайловчилар рўйхати.

ЁДДА ТУТИНГ!

Стендларда жойлаштириладиган материалларда сайловолди ташвиқотига оид нишон ва аломатлар бўлмаслиги керак.

КУЗАТУВЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (кейинги ўринларда — МЖТК) 51⁴-моддасида кузатувчининг ҳуқуқларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Мазкур моддага кўра, номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

МЖТКнинг 280 ва 281-моддаларига кўра Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари раислари, уларнинг ўринбосарлари, котиблари ёки аъзолари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузилиши мумкин.

МЖТКнинг 282-моддаси талабларидан келиб чиқиб, баённома бошқа ҳужжатлар ва иш бўйича ашёвий далиллар билан бирга МЖТКнинг 51²–51³-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб бир суткадан кечиктирмай жиноят ишлари бўйича тегишли туман, шаҳар судига юборилади.

МЖТКнинг 245-моддасига мувофиқ, кузатувчининг ҳуқуқларини бузганликка оид ҳуқуқбузарлик ишлари жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар суди томонидан кўриб чиқилади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРДАН КУЗАТУВЧИЛАРГА ТАВСИЯЛАР:

-  кузатувчилар ўз вазифаларини бажаришда қатъий ҳолисликни сақлашлари ҳамда сиёсий партиялар ва номзодларга нисбатан олдиндан ижобий ёки салбий муносабатда бўлмасликлари ҳамда сайлов жараёнида юзага келадиган мунозарали масалалар бўйича ижобий ёки салбий фикр билдирмасликлари керак;
-  кузатувчилар ўз вазифаларини виждонан бажаришлари ва сайлов жараёнига аралашмасликлари лозим. Кузатувчилар сайлов комиссияларининг вакиллариغا саволлар беришлари ва уларнинг эътиборини қонун-қоидаларга риоя этилмаётганига қаратишлари мумкин, бироқ сайлов комиссияларига кўрсатма ёки топшириқ бермасликлари ва уларнинг фикрларига таъсир ўтказишга қаратилган хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари керак;
-  кузатувчилар сайлов куни давомида ўз вазифаларини бажаришлари, шу жумладан, овозларни ҳисоблаб чиқиш жараёни устидан кузатув олиб боришлари керак;
-  кузатувчиларнинг ҳулосалари шахсий кузатувлари ва аниқ, ишончли далил-исботларга асосланган бўлиши керак;
-  кузатувчилар ўз кузатувлари тўғрисида матбуот вакилларига ёки бошқа манфаатдор шахсларга ҳар қандай шахсий ёки вақтидан илгари изоҳлар беришдан сақланишлари керак;
-  кузатувчиларда бирор-бир партияга мансуб рангдаги рамзий белги ёки ёрлиқ бўлмаслиги керак.

КУЗАТУВ ЖАРАЁНИ

Кузатув жараёни қуйидаги 2 даврга бўлинади:

- ✓ дастлабки кузатув даври;
- ✓ асосий кузатув даври.

Дастлабки кузатув даври — сайлов кунига қадар бўлган, шу жумладан, муддатидан олдин овоз беришдаги кузатувни амалга ошириш даври.

Бунда кузатувчи томонидан округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида, сайловолди ташвиқоти вақтида ҳамда овоз беришдан бир кун олдин кузатув амалга оширилади.

Дастлабки кузатув даврида кузатувчи сайлов участкаларининг овоз бериш жараёнларига тайёргарлик кўриш даражасини, шу жумладан, тайёргарлик ишларининг бориши, овоз бериш учун кабиналар ва сайлов қутиларининг жойлаштирилишини ҳамда сайловолди ташвиқоти жараёнларида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини кузатади.

Кузатувчи ўзи кузатиши лозим бўлган сайлов комиссиясининг жойлашган манзили ва телефон рақамини, комиссия аъзолари ҳақидаги маълумотларни олдиндан аниқлаб олиши лозим.

Асосий кузатув даври — участка сайлов комиссияси овоз бериш кунини ўз ишини бошлаган пайтдан то сайлов натижалари ҳақидаги баённома имзоланиб, кузатувчи томонидан унинг кўчирма нусхаси олингунга қадар бўлган вақт.

Овоз бериш кунини кузатувчи сайлов участкасига соат 7.50 да келиши мумкин.

Кузатувчига, участка сайлов комиссияси раиси ва бошқа аъзолари ҳамда сиёсий партияларнинг кузатувчилари билан танишиб олиш тавсия этилади.

Кузатувчи овоз бериш биносига бўлаётган воқеаларни кузатиш учун кузатувчилар учун алоҳида ажратилган жойлардан бирини эгаллаши керак.

Асосий кузатув даврида кузатувчи ҳар бир сайловчининг шахсан овоз беришини, бюллетеннинг кабинада ёки яширин овоз бериш учун махсус жиҳозланган хонада тўлдирилишини ҳамда кабинада ёки яширин овоз бериш учун махсус жиҳозланган хонада бошқа шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйилмаслигини кузатади.

**ПАМЯТКА ДЛЯ
НАБЛЮДАТЕЛЕЙ ОТ
ПОЛИТИЧЕСКИХ ПАРТИЙ**

ОБЩИЕ ПОНЯТИЯ ИЗБИРАТЕЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

24 ОКТЯБРЯ 2021 ГОДА — ДЕНЬ ВЫБОРОВ ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Выборы — демократический процесс, позволяющий гражданам принимать непосредственное участие в делах общества и государства путем избрания одного из кандидатов, выдвинутых в органы государственной власти, формирующиеся путем выборов.

Участники избирательного процесса — избиратели, представители СМИ, местные и иностранные (международные) наблюдатели, члены избирательных комиссий (председатель, заместитель председателя, секретарь и другие члены), кандидаты в Президенты Республики Узбекистан, доверенные лица, политические партии и их уполномоченные представители.

Основные принципы выборов — всеобщее, равное, прямое, тайное голосование.

Избиратели — граждане Республики Узбекистан, достигшие на день выборов 18-летнего возраста, независимо от пола, расовой и национальной принадлежности, языка, отношения к религии, социального происхождения, убеждений, личного и общественного положения, образования, рода и характера занятий имеют право голоса. Каждый гражданин, участвующий в выборах, имеет один голос. Голосование на выборах является свободным и тайным.

Кандидат в Президенты Республики Узбекистан — гражданин Республики Узбекистан не моложе 35 лет, свободно владеющий государственным языком, постоянно проживающий на территории Узбекистана не менее 10 лет непосредственно перед выборами, выдвинутый политической партией и зарегистрированный Центральной избирательной комиссией.

Наблюдатель — лицо, имеющее право участвовать во всех мероприятиях по подготовке и проведению выборов, а также в процессах голосования и подсчета голосов в день выборов, зарегистрированное соответствующей избирательной комиссией и имеющее соответствующий мандат.

Доверенное лицо — лицо, помогающее кандидату в проведении избирательной кампании, ведущее агитацию за его избрание, а также представляющее интересы кандидата во взаимоотношениях с государственными органами и общественными объединениями, избирательными комиссиями.

Досрочное голосование — досрочное голосование начинается за 10 дней до выборов и заканчивается за 3 дня до выборов.

НАБЛЮДЕНИЕ ЗА ВЫБОРАМИ

Наблюдение за выборами способствует прозрачности и открытости выборов при осуществлении избирательных прав граждан.

Наблюдатели от политических партий, органов самоуправления граждан, иностранных государств и международных организаций, представители средств массовой информации имеют право участвовать во всех мероприятиях, связанных с подготовкой и проведением выборов в Узбекистане.

Целью наблюдения является осуществление общественного контроля за соблюдением избирательного законодательства во всех мероприятиях по подготовке и проведению выборов, в том числе в процессе голосования и подсчета голосов в день выборов.

Районная (городская) организация политической партии может обратиться с заявлением о своих наблюдателях в окружную избирательную комиссию со дня регистрации кандидата в Президенты Республики Узбекистан от данной политической партии и не позднее чем за десять дней до дня голосования.

К ЗАЯВЛЕНИЮ ПРИЛАГАЮТСЯ:

- список наблюдателей (с указанием фамилии, имени, отчества, должности, места жительства и номера телефона);
- копии документов, удостоверяющих их личность;
- две фотографии размером 3х4 см.

Окружная избирательная комиссия принимает решение в течение пяти дней после получения заявления от политических партий и выдает мандат для наблюдателя.

Организация политической партии после получения мандатов от окружной избирательной комиссии обеспечивают их доведение до наблюдателей.

Наблюдатели осуществляют свою деятельность на основе мандатов, выданных соответствующими комиссиями. Избирательные комиссии предоставляют наблюдателю возможность осуществлять свои полномочия в полном объеме и без препятствий после его регистрации на основании мандата и документа, удостоверяющего его личность.

Срок полномочий наблюдателя начинается со дня выдачи ему мандата и заканчивается в день официального опубликования итогов выборов.

В случае принятия решения о проведении повторного голосования или повторных выборов действие мандата наблюдателей продлевается на соответствующий срок.



В целях предотвращения распространения коронавирусной инфекции (COVID-19) при проведении выборов Президента Республики Узбекистан участникам избирательного процесса рекомендуется:



использование защитных масок;



избегать рукопожатий или других форм прямого контакта;



соблюдение социальной дистанции.

ПОМНИТЕ!

Соблюдение санитарных правил на выборах имеет важное значение для поддержания вашего здоровья.

ПРАВА НАБЛЮДАТЕЛЕЙ:

- ☑ присутствовать на заседаниях избирательных комиссий, участвовать на собраниях по выдвижению кандидатов, встречах кандидатов с избирателями;
- ☑ присутствовать на избирательном участке, наблюдать за ходом подготовительной работы, размещением кабин или комнат для тайного голосования и опечатыванием избирательных урн, регистрацией граждан, выдачей им избирательных бюллетеней;
- ☑ наблюдать за процессом голосования в день выборов;
- ☑ быть информированным о месте и времени проведения досрочного голосования и наблюдать за этим процессом;
- ☑ наблюдать за процессом голосования по месту пребывания избирателя с его согласия;
- ☑ присутствовать при подсчете голосов и составлении протокола избирательной комиссии;
- ☑ запрашивать и получать заверенные соответствующей избирательной комиссией копии документов о результатах выборов;
- ☑ осуществлять фото, видеосъемку, аудиозапись, не нарушая избирательный процесс и тайны голосования (за исключением мест содержания под стражей и лишения свободы, воинских частей, лечебных учреждений);
- ☑ обращаться к представителям средств массовой информации по результатам наблюдения;
- ☑ присутствовать при получении окружными избирательными комиссиями протоколов от участковых избирательных комиссий о результатах подсчета голосов и в процессе определения результатов выборов по округу;

-  уведомить соответствующую участковую избирательную комиссию не менее чем за три дня до посещения избирательных участков, образованных в воинских частях, местах содержания под стражей и лишения свободы;
-  сообщать о своих наблюдениях членам комиссии данного избирательного участка, не вмешиваясь в их работу, а также информировать вышестоящие избирательные комиссии, если есть основания полагать, что на соответствующем избирательном участке были допущены нарушения требований избирательного законодательства;
-  публично излагать свое мнение об избирательном законодательстве, а также подготовке и проведении выборов.

Наблюдатель может обжаловать в суд действия и решения участковой избирательной комиссии в порядке, установленном законодательством и непосредственно участвовать при рассмотрении жалобы.

ОБЯЗАННОСТИ НАБЛЮДАТЕЛЕЙ:

-  в своей деятельности руководствуется Конституцией Республики Узбекистан, Избирательным кодексом, постановлениями Центральной избирательной комиссии;
-  при посещении избирательных комиссий всех уровней, органов государственной власти и управления и других организаций иметь при себе мандат, а также документ, удостоверяющий его личность, и представлять их по требованию должностных лиц;
-  обосновывать свои выводы лично проведенными наблюдениями и фактическими материалами.

НАБЛЮДАТЕЛЯМ ЗАПРЕЩАЕТСЯ:

-  находиться в кабине или комнате для тайного голосования, когда избиратель делает свои отметки в избирательном бюллетене;
-  оказывать влияние на избирателей, распространять какие-либо агитационные материалы или литературу;
-  спрашивать у избирателей как они проголосовали или оказывать какую-либо помощь избирателям при внесении отметок в избирательный бюллетень;
-  вмешиваться в деятельность избирательной комиссии, в том числе при опечатывании избирательных урн, их вскрытии, подсчете голосов;
-  объявлять в день выборов и за день до начала голосования результаты опросов общественного мнения, прогнозы результатов выборов, другие исследования, связанные с проводимыми выборами.

НАБЛЮДАТЕЛИ НА ИЗБИРАТЕЛЬНОМ УЧАСТКЕ ДОЛЖНЫ ОБРАТИТЬ ВНИМАНИЕ НА СЛЕДУЮЩЕЕ:

-  ознакомиться с составом комиссии и установить хорошие отношения с членами комиссии на избирательном участке;
-  относиться к другим наблюдателям как к союзникам;
-  осуществлять свои права в соответствии с национальным избирательным законодательством;
-  относиться доброжелательно и достойно к участникам избирательного процесса.

ОСОБЕННОСТИ, НА КОТОРЫЕ СЛЕДУЕТ ОБРАТИТЬ ВНИМАНИЕ ПРИ ОСНАЩЕНИИ ЗДАНИЯ УЧАСТКОВОЙ ИЗБИРАТЕЛЬНОЙ КОМИССИИ:

- ✓ наличие в здании УИК вывески с порядковым номером избирательного участка;
- ✓ хорошо освещенные кабины для тайного голосования, снабженные письменными принадлежностями;
- ✓ специально оборудованная кабина для тайного голосования, предусмотренная для лиц с ограниченными физическими возможностями;
- ✓ стационарная и передвижная избирательные урны, пластмассовые пломбы;
- ✓ компьютеры, отвечающие требованиям Информационной системы управления избирательным процессом и необходимое оборудование;
- ✓ отдельные места для наблюдателей.

МАТЕРИАЛЫ, РАЗМЕЩЕННЫЕ НА СТЕНДАХ ДОЛЖНЫ СОДЕРЖАТЬ:

- ✓ информацию о составе членов участковой избирательной комиссии, плане работы, расписании дежурств;
- ✓ биографии и программы зарегистрированных кандидатов, опубликованные Центральной избирательной комиссией;
- ✓ данные с указанием телефона доверия и электронного адреса Центральной избирательной комиссии, номера телефонов органов суда и прокуратуры для обращений избирателей;
- ✓ порядок голосования, список избирателей.

ПОМНИТЕ!

Материалы, размещаемые на стендах, не должны содержать элементы и признаки предвыборной агитации.

ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА НАРУШЕНИЕ ПРАВ НАБЛЮДАТЕЛЕЙ

В статье 51⁴ Кодекса об административной ответственности Республики Узбекистан (далее — КоАО) установлена административная ответственность за нарушение прав наблюдателя.

В соответствии с данной статьей нарушение прав кандидата, доверенного лица, наблюдателя или уполномоченного представителя политической партии влечет наложение штрафа на должностных лиц от пяти до десяти базовых расчетных величин.

Согласно статьи 280 и 281 КоАО председателем, заместителем председателя и членами Центральной избирательной комиссии, окружных избирательных комиссий может быть оформлен протокол об административном правонарушении.

Исходя из требований статьи 282 КоАО, протокол вместе с иными документами и вещественными доказательствами по делу не позднее одних суток с момента совершения или обнаружения правонарушения, предусмотренного статьями 51²–51⁹ КоАО, направляется в районный, городской суд по уголовным делам.

В соответствии со статьей 245 КоАО, правонарушения, связанные с нарушением прав наблюдателя, рассматриваются соответствующим районным, городским судом по уголовным делам.

РЕКОМЕНДАЦИИ НАБЛЮДАТЕЛЯМ ОТ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПАРТИЙ:

-  наблюдатели должны сохранять строгую непредвзятость при исполнении своих обязанностей и ни в коем случае не должны выражать предубеждения или предпочтения по отношению к политическим партиям и кандидатам или по отношению к каким-либо спорным вопросам, возникающим в процессе выборов;
-  наблюдатели должны исполнять свои обязанности в ненавязчивой манере и не должны вмешиваться в избирательный процесс. Наблюдатели могут задавать вопросы представителям избирательных комиссий и могут привлекать их внимание к несоблюдению правил, но они не должны давать

каких-либо указаний или поручений и предпринимать действия, направленные на оказание влияния на их мнение;

- ☑ наблюдатели должны исполнять свои обязанности в течение всего дня голосования, включая наблюдение за процессом подсчета голосов;
- ☑ заключения наблюдателей должны быть основаны на их личных наблюдениях или на ясных и убедительных фактах и доказательствах;
- ☑ наблюдателям следует воздержаться от каких-либо личных или преждевременных комментариев прессе или другим заинтересованным сторонам по поводу своих наблюдений;
- ☑ наблюдатели не должны иметь при себе символику и знаки цветов политических партий.

ПРОЦЕСС НАБЛЮДЕНИЯ

Процесс наблюдения делится на следующие 2 периода:

- ☑ предвыборный период наблюдения;
- ☑ основной период наблюдения.

Предвыборный период наблюдения — это период до дня выборов, включая наблюдение за досрочным голосованием.

В этот период осуществляется наблюдение за заседаниями окружных и участковых избирательных комиссий, ходом избирательной кампании и день, до дня голосования.

В предвыборный период наблюдения осуществляется наблюдение за уровнем подготовительной работы избирательных участков к процессу голосования, в частности, размещением кабин и урн для голосования, а также соблюдением требований избирательного законодательства в период избирательной кампании.

Наблюдатель должен заранее уточнить расположение и номера контактных телефонов наблюдаемой избирательной комиссии, информацию о членах комиссии.

Основной период наблюдения — время от начала работы участковой избирательной комиссии в день голосования до подписания протокола об итогах выборов и получения его копии наблюдателем.

В день голосования наблюдатель может прибыть на избирательный участок в 07:50.

Наблюдателю рекомендуется познакомиться с председателем и другими членами участковой избирательной комиссии, а также с наблюдателями от других политических партий.

Наблюдатель для наблюдения за происходящим в здании для голосования должен занять одно из отдельно отведенных мест для наблюдателей.

В течение основного периода наблюдения наблюдатель должен наблюдать за тем, чтобы каждый избиратель мог заполнить бюллетень самостоятельно, находясь при этом в кабине или специально оборудованном помещении для тайного голосования, не допуская присутствие более чем одного избирателя в данный процесс.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРДАН КУЗАТУВЧИЛАР УЧУН ЭСЛАТМА ПАМЯТКА ДЛЯ НАБЛЮДАТЕЛЕЙ ОТ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПАРТИЙ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси
Раиси З. Низамходжаев таҳрири остида.*

Таҳрир хайъати: *К. Куранбаев, А. Туляганов,
Ж. Абдуллаев, Б. Юнусов.*

Тузувчилар: *Б. Кучкаров, Х. Маматов,
Ф. Насриддинов, Х. Кличев,
Н. Киличев, А. Пардаев,
Х. Палуаниязов*

Нашр учун *Ф. Тожиев,*
масъуллар: *О. Файзуллаев*

Мухаррир: *Ш. Абдуллаев*

Компьютерда
саҳифаловчи: *Ж. Фофуров*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.

Нашр. лиц. А1 № 032, 29.10.2019 й.

Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй.

Телефонлар: 71-233-28-18, 71-280-55-47

Веб-сайт: www.adolatmarkazi.uz

e-mail: info@adolatmarkazi.uz

Босишга рухсат этилди 20.09.2021 й.

Қоғоз бичими 60x84¹/₁₆ «Antiqua» гарнитураси.

Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи 1,5.

Нашриёт ҳисоб табоғи 1,25. Адади 55 350 нусха.

21-380-буюртма. Нархи шартнома асосида.

**«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи МЧЖда чоп этилди.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.**

-  www.saylov.uz
-  www.saylov2021.uz
-  t.me/electionsuz
-  fb.com/uzelections
-  twitter.com/electionsuz
-  instagram.com/electionsuz

ISBN 978-9943-7295-1-3

